



# MUZRABOT

O'zbekiston—  
kelajagi  
buyuk  
davlat

Gazeta 1969-yil 1-iyuldan chiqa boshlagan  
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Xalq deputatlari Muzrabot tumani Kengashi va tuman hokimligining nashri

2026-yil 28-fevral  
Shanba № 4 (4524)

«Yosh kitobxon» tanlovi

## Muzrabotda «Kitoblar karvoni»



Mamlakatimizda kitobxonlik madaniyatini yuksaltirish, yoshlar o'rtasida mutolaa muhitini keng targ'ib etish hamda ta'lim muassasalarini zamonaviy adabiyotlar bilan ta'minlashga qaratilgan tashabbuslar izchil amalga oshirilmoqda. Ushbu ezgu tashabbus doirasida 1-umumta'lim maktabida Muzrabot tumani Hokimi Abdulla Mamatqulov va Hokim o'rinbosari Farrux Rahmonov ishtirokida «Kitoblar karvoni» tadbiri tashkil etildi.

Xususan, «Yosh kitobxon» tanlovining hududiy bosqichida faol ishtirok etib, saralangan muzrabotlik 10 nafar yosh kitobxon tahsil olayotgan umumta'lim maktablariga «Kitoblar karvoni» doirasida badiiy, ilmiy-ommabop hamda sohaviy adabiyotlardan iborat 10 mingga yaqin kitoblar jamlanmasi yetkazib berildi. Taqdim etilgan kitoblar tumandagi axborot-kutubxona markazi va umumta'lim muassasalarini boyitish barobarida, o'quvchilarga yangi nashrlarni mutolaa qilish imkonini yaratadi. Zero, «Kitoblar karvoni» — ma'rifat sari muhim qadamdir. **Botir XURSANOV, tuman axborot-kutubxona markazi direktori.**

## Ариқ ва зовурларни тозалашни ташкил этинг, дала маданиятини йўлга қўйиш орқали дала четларига кўчат ва қўшимча қишлоқ хўжалиги экинлари экиб қўшимча даромадга эга бўлинг!

## Ўзбекистон фермерлари Кенгашининг фермерларга МУРОЖААТИ

### Кадрли фермер ва деҳқонлар!

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини самарали ривожлантириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш мақсадида ариқ ва зовурларни тозалаш, дала четларига кўчат ва қўшимча қишлоқ хўжалиги экинларини экиш орқали дала маданиятини юксалтириш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг таклифи билан юртимизда 2026 йил — «Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили» да устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ҳамда «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича Давлат дастурида ариқ ва зовурларни бетонлаштириш, дала четларидан самарали фойдаланиш вазифалари алоҳида белгилаб берилган. Шу муносабат билан сизларни куйидаги вазифаларни амалга оширишга чақирамиз:

Биринчидан, фермер хўжалигинидаги ички ариқ ва зовурларни қайта кўздан кечириб, уларни тозалаш ва зарур қисмини бетонлаштириш ҳажмини белгилаб олинг. Дала четларига мевали ва манзарали кўчатлар экиш режасини ишлаб чиқинг; иккинчидан, 10 кун муддат ичида ички ариқ ва зовурларни тозалаш ишларини ташкил этинг ҳамда бетонлаштириш ишларини бошланг;

Учинчидан, ҳар бир фермер 100–150 тупдан мевали ва манзарали кўчат экишни ташкил этсин; тўртинчидан, кўчат ва ниҳоллар масаласида «Қува томорқа ер участкаларини ри-

вожлантириш илмий-амалий маркази томорқа хизмати» МЧЖ, «Янгийул томорқачиликни ривожлантириш миллий маркази», «Жомбой кўчатчилик томорқа хизматлари» МЧЖ каби ташкилотлар хизматларидан фойдаланинг;

Бешинчидан, Ўзбекистон фермерлари Кенгаши ҳузуридаги жамғарма томонидан ажратиладиган айланма маблағ ва кредит ресурсларидан унумли фойдаланинг; олтинчидан, экилган экин ва кўчатларни зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоя қилиш мақсадида ўсимликлар карантини ва ҳимоя агентлиги биологаториялари хизматларидан фойдаланинг, биопрепаратлар ва минерал ўғитлар билан ўз вақтида ишлов беринг.

Бу ишлар нафақат хўжалигини ривожига, балки мамлакатимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшади.

### Кадрли фермер ва деҳқонлар!

Бугунги кун қишлоқ хўжалигида янги ёндашув, юксак масъулият ва амалий ҳаракатни талаб этмоқда. Ер — бойлигимиз, сув — ҳаёт манбаи. Уларни асраш ва унумли фойдаланиш ҳар биримиздан фалоллик ва ташаббускорликни талаб қилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган устувор вазифаларга мувофиқ, ариқ ва зовурларни бетонлаштириш, сув йўқотилишининг олдини олиш, дала четларидан самарали фойдаланиш орқали қўшимча даромад манбаини яратиш — бугунги куннинг муҳим вазифасидир.

### Ўзбекистон фермерлари Кенгаши!

## Ҳокимликларнинг ахборот хизматлари автомашинали бўлди



Сурхондарё вилояти ҳокими ташаббуси билан Термиз шаҳри ва туман ҳокимликлари ахборот хизмати раҳбарлари — давлат тили бўйича маслаҳатчиларига хизмат автомашиналари топширилди. Президентимиз илгаридан сур-

ган халқчил сиёсат, очиклик ва ошкоралик тамойиллари асосида давлат органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаб, аҳолига тезкор ва ишончли ахборот етказиш мамлакатимизда муҳим вазифалардан бирига айланди.

**Ҳолмўмин МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА мухбири.**

Депутатлар фаолиятдан

## Муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди

Аҳоли муаммоларини ҳал этишда халқ депутатлари туман Кенгаши депутатларининг «маҳалла еттилиги» билан ўзаро ҳамкорлиги натижалли бўлмоқда.

Худудларни ривожлантириш борасида белгиланган вазифалар ижроси самардорлигини янада ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Худудларни ривожлантириш ҳамда аҳоли муаммоларини ҳал этишда маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва сенаторларнинг «маҳалла еттилиги» билан ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 15 январдаги ҚҚ-35-В-сон қарори қабул қилинди. Ушбу қарор ижросини таъминлаш учун халқ депутатлари Мuzrabot тумани Кенгаши депутатлари ўз сайлов округидаги маҳалла фуқаролар йиғинларига туман Кенгаши томонидан бириктирилди. Шунга асосан туман Кенгаши депутатлари худудларда «маҳалла ет-



тилиги» билан ўзаро ҳамкорликда депутатлик фаолиятларини амалга оширишмоқдалар.

Халқ депутатлари туман Кенгашига 10-Янгиер сайлов округидан сайланган депутат Турсункул Тангиоров «Янгиер» маҳалла фуқаролар йиғинида «маҳалла еттилиги» билан суҳбат ўтказиб ҳар бирларининг соҳавий фаолиятлари билан яқиндан танишди. Жараёнда депутат «маҳалла еттилиги» томони-

дан аҳоли муаммоларини ҳал этилиши ҳолатларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Ечимини топмаётган масалаларни ҳал этиш бўйича тегишли маъсул ташкилотларга депутатлик сўровлари юбориш ва унинг ижроси таъминланиши юзасидан чоралар қўрилиши белгилаб олинди.

Шундан сўнг, депутатнинг ўзига Янгиер маҳалласида яшовчи Нафиса Пиримқуллова 18 ёшга болалар на-

дан аҳоли муаммоларини ҳал этилиши ҳолатларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Ечимини топмаётган масалаларни ҳал этиш бўйича тегишли маъсул ташкилотларга депутатлик сўровлари юбориш ва унинг ижроси таъминланиши юзасидан чоралар қўрилиши белгилаб олинди.

Шундан сўнг, депутатнинг ўзига Янгиер маҳалласида яшовчи Нафиса Пиримқуллова 18 ёшга болалар на-

дан аҳоли муаммоларини ҳал этилиши ҳолатларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Ечимини топмаётган масалаларни ҳал этиш бўйича тегишли маъсул ташкилотларга депутатлик сўровлари юбориш ва унинг ижроси таъминланиши юзасидан чоралар қўрилиши белгилаб олинди.

Шундан сўнг, депутатнинг ўзига Янгиер маҳалласида яшовчи Нафиса Пиримқуллова 18 ёшга болалар на-

## Маҳалла ободлиги учун



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Исломотараққиёт банки иштирокида «Қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш» (2-

қарор асосида мен депутат этиб сайланган 5-Пахтакор сайлов округидаги Маданият маҳалласида ҳам қатор инфратузилма ишлари олиб борилмоқда.

Лойиҳа доирасида маҳаллада 2,8 километр пидедалар йўлакчаси қуриш ва энергия тежамкор тунги ёритиш чироқлари ўрнатиш, 11,8 километр асосий ва ички йўللари асфальтлаш, маҳалла худудида ичимлик суви таъминотини яхшилаш, 8 километр электр тармоқларини мукамал таъмирлаш, 250 кВт қувватга эга 4 та трансформатор ўрнатиш ишлари режалаштирилган. Бу ҳақда сайловчилар би-

лан бўлган учрашув ва мулоқотларда батафсил тушунтиришлар берилган. Бундан ташқари маҳалла аҳлининг бунёдкорлик ишларининг бажарилишига ҳашар йўли билан кўмак беришга даъват этганмиз.

Ҳозирда маҳаллада ички йўللари асфальт ётқизишга тайёрлаш, электр таянч устунлар ўрнатиш, ичимлик суви қувурларини тортиш ишлари олиб борилмоқда. Бажарилаётган ишларнинг сифати ва белгиланган талаблар асосида амалга оширилиши жараёнини халқ вакили сифатида доимий равишда ўрганиб, мунтазам назорат қилиб бораёман.

**Фарход АЛИМОВ, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати.**

Yangilanishlar nafasi

## Xalq manfaatlari yo'lida

Ўзбекистон Respublikasi Prezidentining 2024-yil 28-martdagi PQ-141-son qarori ijrosi hamda Islom taraqqiyot banki ishtirokida amalga oshirilayotgan «Qishloq joylarni kompleks rivojlantirish» loyihasi asosida Muzrabot tumanidagi 15 ta mahallaning har birida infratuzilmani rivojlantirish ishlari jadal sur'atlarda olib borilmoqda.

Muzrabot tumani Hokimi Abdulla Mamatqulov loyiha doirasida amalga oshirilayotgan ishlarning borishi va sifatini o'rganish maqsadida Darband mahallasida bo'ldi. Ayniqsa, ichimlik suvi tarmog'ini tortish jarayonlarini atroflicha ko'zdan kechirdi.

O'rganish jarayonida ayrim ishlar talab darajasida olib borilmayotgani ta'kidlanib, pudratchi tashkilotlarga qat'iy ogohlanirish berildi. Tuman Hokimi mazkur suv tarmog'i aholiga uzoq yillar xizmat qilishi lozimligini, shu bois, loyiha uchun ajratilgan 4 milliard 659 million so'm mablag'ni maqsadli va oqilona sarflash, belgilangan ishlarni sifatli hamda o'z vaqtida bajarish zarurligini alohida qayd etdi.

**Muzrabot tumani hokimligi Axborot xizmati.**



2026 йил — «Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили»

## Янги Ўзбекистоннинг Орият маҳалласидаги нурли қиёфаси

Халқимизда «Ватан маҳалладан бошланади», деган пурмаъно нақл бор. Дарҳақиқат, она Ватан осмонаси бу — маҳалла. Маҳаллаки, оилалари тинч ва тотув, хонадонлари обод. Мамлакатимиз истиқболга эришган муборак

куннинг асрга татигулик шукронаси, 35 йил давомида рўй бераётган оламшумул ўзгаришлар, юртимиз ва халқимизнинг ўз олдига қўйган эзгу орзу-мақсадлари йўлида дадил одимлаётганига барчамиз шохид бўлиб турибмиз. Гап

маҳалла ҳақида кетар экан, Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Муурожаотномасида келтириб ўтган фикрлари сўзларимизнинг ёрқин инъикосидир:

(Давоми 4-бетда.)



Акция йўлга қўйилди

«Огоҳ бўлинг, фирибгар!»

Бугунги глобллашув ва рақамлашув шароитида фирибгарлик жиноятлари жамият ҳаётига жиддий хавф солаётган муаммолардан бирига айланди...



Мутахассислар таъкидлашчи, кибержиноятларнинг асосий қисми банк пластик карталари билан боғлиқ...

Маълумки, мамлакатимизда мулк ҳуқуқи қонун билан қафолатланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир шахнинг мулки дахлсиз экани, унинг қонуний ҳимояси таъминланиши қатъий белгилаб қўйилган...

Фирибгарликнинг моҳияти алдах ёки ишончни суистеъмоқ қилиш орқали ўзганинг мол-мулкни ёки мулкнинг ҳуқуқини қўлга киритишдан иборат. Бугунги кунда фирибгарлар нафақат оддий мулоқот ёки қозғоқ ҳужжатлар орқали, балки телефон кўнғироқлари, ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар, сохта веб-сайтлар ва электрон тўлов тизимлари орқали ҳам фаолият юритмоқда...

Кўп ҳолларда фирибгарлар ўзини банк ходими, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакили ёки давлат ташкилоти масъули сифатида таништириб, фуқарони шошилчин қарор қабул қилишга мажбур этади...

ди. Аслида эса айнан шу код орқали банк картаси устидан назорат қўлга киритилади. Яна бир кенг тарқалган усул – сохта инвестиция ва трейдинг курсларидир. Ижтимоий тармоқларда "тезда бойиш", "барқарор даромад", "қисқа вақтда кредитни ёпиш" каби ваъдалар билан реклама қилинган курслар ортида кўпинча алдов ётади...

Онлайн савдо майдонларида арзон тақлифлар ҳам кўпчиликни жалғитмоқда. Жуда паст нархда тақлиф қилинган маҳсулот учун олдиндан тўлов қилинади, аммо маҳсулот етказиб берилмайди. Шунингдек, ижтимоий тармоқларда танишлар номидан пул сўраш, сохта хайрия акциялари уюштириш, онлайн кредит расмийлаштириш каби ҳолатлар ҳам учрамоқда.

Замонавий технологиялар, жумладан, сунъий интеллект имкониятларидан ҳам фирибгарлар фойдаланмоқда. Айрим ҳолларда яқин инсоннинг овозига ўхшатиб кўнғироқ қилиш ёки унинг номидан хабар юбориш орқали пул сўраш каби ҳолатлар қайд этилмоқда...

Мутахассислар таъкидлашчи, кибержиноятларнинг асосий қисми банк пластик карталари билан боғлиқ. Зарарли ҳаволалар орқали телефон ёки компьютерга дастур ўрнатиб олиш, шахсий маълумотларни киритишга мажбурлаш, тасдиқловчи кодларни қўлга киритиш орқали маблағларни ечиб олиш ҳолатлари кўпаймоқда...

Фирибгарликка қарши курашишда энг самарали восита – бу билим ва ҳушёрликдир. Ҳеч қачон карта рақами, ПИН-код, СМС-код ёки бошқа махфий маълумотларни бегона шахсларга бермаслик керак. Номанул ҳаволаларга кирмаслик, фақат расмий иловалардан фойдаланиш, ижтимоий тармоқларда икки босқичли ҳимояни ёқиш, ҳар бир аккаунт учун мустақам ва тур...

Абдуғани Жўраев, "Адолат" СДП Музработ тумани Кенгаши раиси.

ли пароллар ишлатиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, пу.гов.уз портали орқали шахсий кабинетда номингизга онлайн кредит расмийлаштиришга чеклов қўйиш имкониятидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ. Бу каби профилактик чоралар эҳтимоллий хавфларни камайтиришга хизмат қилади.

Энг муҳими, ҳар қандай ҳолатда шошилмаслик зарур. Фирибгарлар айнан инсоннинг кўрқуви, ишонувчанлиги ёки тез фойда кўриш истагидан фойдаланади. Шошилиш – фирибгарнинг қуроли, текшириш эса фуқаронинг ҳимоясидир. Агар фирибгарликка дуч келинса, дарҳол банкка мурожаат қилиш, картани блоклатиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш ва барча далилларни сақлаб қолиш лозим.

Айни пайтда ушбу акция доирасида жойларда тизимли ва манзилли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, партиянинг туман Кенгаши ҳамда мутассади ташкилотлар томонидан алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, аҳоли билан учрашувлар, давра суҳбатлари, тарғибот тадбирлари ва амалий семинарлар ташкил этилмоқда. Мазкур тадбирларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва соҳа мутахассислари иштирок этиб, таъкидлашчи ва ҳушёрликни кучайтириш янги усуллари, улардан ҳимояланиш механизмлари ҳамда ҳуқуқий оқибатлари атрофида тушунарлироқ таъкидлашчи ишларни кучайтириш, айниқса, ёшлар ва кекса авлод вакиллари орасида огоҳликни оширишга хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, фирибгарликка қарши кураш фақат давлат идоралари ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасидаги вазифа эмас. Бу – бутун жамиятнинг умумий масъулияти. Ҳар бир оилада, ҳар бир маҳаллада, ҳар бир таълим муассасасида ҳушёрлик маданияти шаклланса, фирибгарликка қарши мустақам қалқон яратилади.

Огоҳ бўлинг, фирибгарларга алданманг ва ўзингиз ҳамда яқинларингизни асранг.

Абдуғани Жўраев, "Адолат" СДП Музработ тумани Кенгаши раиси.

МЕДИАТИВ КЕЛИШУВ

бу ҳуқуқий ҳужжат бўйича ижро варақаси беришининг тадбиркорлар учун имкониятлари

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги низолар табиий жараён ҳисобланади. Аммо ҳар бир низо узок муддатли суд жараёнига айланиши бизнес барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу нуктаи назардан, медиация институти тадбиркорлар учун самарали, ихтиёрий ва тезкор низо ҳал этиш механизми сифатида аҳамият касб этмоқда. Қонунчиликка киритилган ўзгаришлар эса медиатив келишувларга мажбурий ижро кучини бериш орқали ушбу институтнинг амалдаги таъсирини янада кучайтиради.

Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 20 октябрдаги ЎРҚ-1089-сон Қонунига асосан Ўзбекистон Республикасининг Медиация тўғрисидаги Қонуни, Иқтисодий процессуал кодекси ҳамда бир қанча қонун ҳужжатларига киритилган ўзгаришларга мувофиқ, агар медиатив келишув бажарилмаса, манфаатдор тараф судга мурожаат қилиб, ижро варақаси олиш ҳуқуқига эга бўлди. Бу жараён шубҳасиз тадбиркорлар учун келишувнинг мажбурий ижро механизми мавжудлиги, контрагентнинг масъулияти ошиши, бизнес муносабатларида ишонч мустақамланиши каби имкониятларни яратди. Эндиликда медиатив келишув фақат "ахлоқий мажбурият" эмас, балки давлат мажбурияти билан таъминланган ҳуқуқий ҳужжатга айланмоқда.

2025 йил 20 октябрдаги ЎРҚ-1089-сон Қонунининг 5-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексида қўшимча ва ўзгаришлар киритилиб, энг муҳим ўзгаришлардан бири 292-боб орқали медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби белгиланди. Ушбу бобда медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби белгиланди. Ушбу бобда медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби белгиланди. Ушбу бобда медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби белгиланди. Ушбу бобда медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби белгиланди.

эгаллади. Маълумки, анъанавий суд жараёни кўп вақт ва ҳаражат талаб қилади. Бироқ медиация орқали низо қисқа муддатда ҳал этилади, давлат божи ва процессуал харажатлар камайд, адвокат хизматлари харажатлари қисқаради.

Медиация тарафлар ўртасида мулоқотни сақлайди, ўзаро манфаатли ечим топишга хизмат қилади, келгусидаги ҳамкорлик имкониятини йўқотмайди.

Ижро механизмининг мавжудлиги эса ушбу келишувга жиддийлик бағишлайди. Медиациянинг ривожланиши судлар юкламасини камайтиради. Бу эса суд ишларини тезроқ кўриб чиқиш, суд қарорларининг сифатини ошириш, тадбиркорларнинг адолатли суд ҳимоясига тезроқ эришиш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикасининг "Медиация тўғрисида"ги Қонунига киритилган ўзгаришлар иқтисодий судлар орқали медиатив келишувларга мажбурий ижро кучини бериш механизмини мустақамлади. Бу эса тадбиркорлар учун ҳуқуқий қафолат, молиявий барқарорлик, вақт тежаш, ишбилармонлик муносабатларини сақлаб қолиш имкониятларини яратди. Шундай қилиб, мазкур ўзгаришлар медиация институтини тадбиркорлик фаолиятининг ишончли ва самарали воситасига айлантирмоқда.

А.САФАРОВ, Термиз туманларо иқтисодий судининг раиси.

Хабардормисуз?

Йўл ҳаракати билан боғлиқ

айрим ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий огоҳлантириш қўлланилади

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги Қонун (ЎРҚ-1116-сон.) 2026 йил 4 февраль) билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Унга кўра, йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ кам аҳамиятли ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий огоҳлантириш жазоси қўлланилиши белгиланди.

Маъмурий огоҳлантириш ҳуқуқбузарлик содир этган шахсини қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилган ҳолда унга расмий танбех беришдир. Маъмурий огоҳлантириш ёзма (электрон) равишда қўлланади.

Маъмурий огоҳлантириш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 125-моддасининг 1- ва 2-қисмларида, 128 (прим 1), 128 (прим 2), 128 (прим 6), 135 (прим 1)-моддалари ҳамда 138-моддаси 1- ва 2-қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир эт-

ган шахсларга нисбатан қўлланади. Бунда шахс ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганда, шунингдек, Кодексда назарда тутилган бошқа ҳуқуқбузарликлар аломатлари бўлмаганда, маъмурий жазо чорасини қўллашга ваколатли орган томонидан қўлланилади.

Маъмурий огоҳлантириш айни бир шахсга нисбатан 1 йил давомида 1 мартадан ортиқ қўлланилиши мумкин эмас.

А.ХАМРАЕВ, туман адлия бўлими ЮХКМ бош юрисконсулти.

Кўп квартиралар уйлари

уларни бошқариш тизими янада такомиллаштирилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кўп квартиралар уйлари бошқариш тизimini янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-48-сон қарори 2026 йил 5 февралда қабул қилинди.

Қарорга кўра, кўп квартиралар уйлари таъмирлаш, реконструкция қилиш ва таштас ҳудудларни ободонлаштириш йўналишида марказлашган манбалар ҳисобидан амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини саралаш ва амалга оширишда қуйидаги тартиб ўрнатилади: лойиҳа тақлифлари Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларида муҳокама қилиниши ва фақатгина уларнинг қарори билан маъқуллангандан кейин амалга

ни ҳисоблагичлар ўрнатган ҳолда сутканинг ҳар қандай вақтида амалга оширишга рухсат берилади.

2026 йил 1 июлдан бошлаб:

Тошкент шахрида кўп квартиралар уйларида умумий йиғилиш ўтказиши ташаббус қилиш, ўтказиш ва қарор қабул қилиш, шартномаларни тузиш, бошқарувчилар томонидан мурожаатларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқиш фақат "Менинг уйим" АБТда амалга оширилади, 2027 йилдан бошлаб мазкур тартиб республиканинг барча ҳудудларига татбиқ этилади;

мажбурий тўловлар ва кўп квартиралар уйларида умумий мол-мулкни ижарага ва фойдаланишга беришдан тушадиган тўловлар ҳисоби фақат "Менинг уйим" АБТ орқали юритилади.

Б.БОЙНАЗАРОВ, Ангор туман адлия бўлими ЮХКМ бошлиғи.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида" 2026 йил 15 январдаги ЎРҚ-1114-сон Қонун қабул қилинди.

Хусусан, Жиноят кодексининг 73-моддасига киритилган қўшимчаларга кўра, Кодекснинг 73-моддаси тўртинчи қисмида кўрсатилган шахсларга (бундан умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахслар мустасно) озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўташ даврида тайинланган жазо муддати қисқартирилиши мумкин. Бунинг учун маҳкумларда тўғри маънавий-ахлоқий кадрларни шакллантиришга қаратилган, белгиланган тартибда тасдиқланган адабиётлар рўйхатидаги китоблар ўқилганлиги факти тасдиқланиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида" 2026 йил 15 январдаги ЎРҚ-1114-сон Қонун қабул қилинди. Хусусан, Жиноят кодексининг 73-моддасига киритилган қўшимчаларга кўра, Кодекснинг 73-моддаси тўртинчи қисмида кўрсатилган шахсларга (бундан умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахслар мустасно) озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўташ даврида тайинланган жазо муддати қисқартирилиши мумкин. Бунинг учун маҳкумларда тўғри маънавий-ахлоқий кадрларни шакллантиришга қаратилган, белгиланган тартибда тасдиқланган адабиётлар рўйхатидаги китоблар ўқилганлиги факти тасдиқланиши лозим.

Китоб ўқийдиган маҳкумлар

уларга қонунга биноан жазо муддати қисқартирилиши мумкин

Ҳар бир ўқилган китоб учун муддат 3 кунга қисқартирилиши мумкин, лекин бир йил давомида 30 кундан ошмаслиги керак. Китоблар ўқилганлиги факти маҳкумнинг жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятига берган аризаси асосида муассаса ходимлари ва жамоатчилик вакиллари билан биргача комиссия томонидан аниқланади.

Комиссия йиғилишлари йилга камидан 2 марта ўтказилади. Имтиҳон натижаларига кўра комиссия маҳкумнинг китоб ўқилганлиги фактини тасдиқлаш тўғрисида ҳулоса қабул қилади. Ҳулосанинг кўчирма нусхаси прокуратура юборилганда, маҳкумга имзо қўйдириб

топирилади, шунингдек, унинг илтимосига кўра маҳкумнинг ҳимоячиси берилади. Муассаса маъмурияти китоб ўқилганлиги фактини тасдиқлаш тўғрисида ҳулоса қабул қилганда маҳкум тузалиш йўлига ўтганлиги муносабати билан жазони ўташ муддатини қисқартириш суд томонидан амалга оширилади.

Дилдора Йўлдошева, Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиш шубаси бош маслаҳатчиси.

ҲУДУД ВА ЧЕГАРА ТАНЛАМАС ИЛЛАТ

Одам савдоси

олиш омилларини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбир иш-тироқчилари мазкур муаммага қарши курашиш самарадорлигини оширишда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутишини қайд этиб, бу борада ўзаро ҳамкорликни кучайтириш лозимлигини таъкидлашмоқда.

Айтиш жоизки, одам савдосига қарши курашиш дегадана нафақат ушбу жиноятчиликка қарши курашиш, балки энг аввало, унга зармин яратаётган сабаб ва омилларни бартараф этиш тушунтирилади. Одам савдоси жинояти ҳамда унинг оқибатлари ҳақида гапирар эканмиш, бунда аввало, асосий мақсад аҳолига мазкур қилмишнинг асл моҳиятини янада чуқурроқ тушунтириш, огоҳликка қорлаш ва фуқароларимизни ушбу жиноятнинг қурбони бўлиб қолишдан қўриқтириш чораларини кўришдан иборат. Оммавий ахборот воситалари эса маз-

ҲУДУД ВА ЧЕГАРА ТАНЛАМАС ИЛЛАТ

Одам савдоси

олиш омилларини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбир иш-тироқчилари мазкур муаммага қарши курашиш самарадорлигини оширишда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутишини қайд этиб, бу борада ўзаро ҳамкорликни кучайтириш лозимлигини таъкидлашмоқда.

Айтиш жоизки, одам савдосига қарши курашиш дегадана нафақат ушбу жиноятчиликка қарши курашиш, балки энг аввало, унга зармин яратаётган сабаб ва омилларни бартараф этиш тушунтирилади. Одам савдоси жинояти ҳамда унинг оқибатлари ҳақида гапирар эканмиш, бунда аввало, асосий мақсад аҳолига мазкур қилмишнинг асл моҳиятини янада чуқурроқ тушунтириш, огоҳликка қорлаш ва фуқароларимизни ушбу жиноятнинг қурбони бўлиб қолишдан қўриқтириш чораларини кўришдан иборат. Оммавий ахборот воситалари эса маз-

Bolalar nafaqasi va moddiy yordamni

tayinlash tartibi yanada takomillashtirildi

Vazirlar Mahkamasining 2026-yil 29-yanvardagi 35-son qarori bilan "Ijtimoiy reyestrni yuritish tartibi to'g'risida" nizom tasdiqlandi. Ushbu nizom aholining ijtimoiy holati to'g'risidagi ma'lumotlarni yagona tizimda jamlash, ularni doimiy yangilab borish hamda ijtimoiy yordam turlarini manzilli va adolatli taqsimlashga xizmat qiladi.

Bolalar nafaqasi va moddiy yordamni

tayinlash tartibi yanada takomillashtirildi

Vazirlar Mahkamasining 2026-yil 29-yanvardagi 35-son qarori bilan "Ijtimoiy reyestrni yuritish tartibi to'g'risida" nizom tasdiqlandi. Ushbu nizom aholining ijtimoiy holati to'g'risidagi ma'lumotlarni yagona tizimda jamlash, ularni doimiy yangilab borish hamda ijtimoiy yordam turlarini manzilli va adolatli taqsimlashga xizmat qiladi.

Bolalar nafaqasi va moddiy yordamni

tayinlash tartibi yanada takomillashtirildi

Vazirlar Mahkamasining 2026-yil 29-yanvardagi 35-son qarori bilan "Ijtimoiy reyestrni yuritish tartibi to'g'risida" nizom tasdiqlandi. Ushbu nizom aholining ijtimoiy holati to'g'risidagi ma'lumotlarni yagona tizimda jamlash, ularni doimiy yangilab borish hamda ijtimoiy yordam turlarini manzilli va adolatli taqsimlashga xizmat qiladi.

Х.УМБАРОВ, Сурхондарё вилояти ИИБ Транспортда ХТБ ЖКБ тезкор вакили.

Shu bilan birga, avval qabul qilingan qarorga muvofiq "Ijtimoiy reyestr"ga kiritilgan oilalarga bolalar nafaqasi va

moddiy yordamni tayinlash hamda to'lash tartibi belgilandi. Endilikda bolalar nafaqasi yoki moddiy yordam olish uchun ariza davlat xizmatlari markazlari, ijtimoiy xodimlar orqali, shuningdek, Yagona milliy ijtimoiy himoya axborot tizimi, Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali hamda "Ijtimoiy karta" mobil ilovasi orqali elektron shaklda topshirilishi mumkin. Suxrob SAYFIDDINOV, Termiz shahar adliya bo'limi yuridik xizmat ko'rsatish markazi boshlig'i.



Соғлом оила — соғлом жамият

## ЖАМИЯТ ҚУДРАТИ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда хотин-қизлар масаласи давлат сиёсатининг муҳим ва устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада амалга оширилаётган тизимли ислохотлар натижасида хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни, роли ҳамда ижтимоий мавқеи янада мустаҳкамланиб бормоқда. Хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш “Инсон қадрини устувор эзгу ва улугвор гоҳ ҳамда Янги Ўзбекистон концепцияси асосида олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур” жамият ҳаётига самарали таъбиқ этилмоқда. Ушбу дастур хотин-қизларнинг таълим олиши, бандлиги, тадбиркорлик фаолияти, ижтимоий ҳимояси ҳамда бошқарув тизимидаги иштирокини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Жумладан, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш, уларнинг сиёсий ва иқтисодий фаоллигини ошириш, жамиятда гендер тенгликни таъ-

минлашга қаратилган аниқ вазибалар белгилаб берилгани бу борадаги ислохотларнинг узвий давоми эканини яққол намоян этади.

Олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 35 фоизга, тадбиркорлик соҳасидаги иштироки эса 45 фоизга етди. Бу каби кўрсаткичлар хотин-қизларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилаётган ишлар самарасини яққол намоян этмоқда ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имижини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг

2025 йил 14 мартда қабул қилинган “Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада тақвиятлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазкур йўналишдаги ислохотларни изчил давом эттириш учун мустаҳкам ҳуқуқий ва амалий асос бўлди.

Шу маънода, “Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти томонидан ҳам оилалар тизимини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни тарғиб этиш, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, уларнинг касбий салоҳияти ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган қатор ишлар амалга оширилмоқда. Институт фаолияти “Соғлом оила — соғлом жамият” тамойили асосида йўлга қўйилган бўлиб, бу жамиятда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, оиладаги барқарор ва соғлом муҳит мамлакатдаги ижтимоий барқарорлик ва маънавий юксалишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шу боис, оилалар мустаҳкам-

лигини таъминлаш, аёлларнинг ҳуқуқий ҳимоясини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг оқилоланиши, оиланинг муқаддаслиги ва фаровонлигини таъминлашда онанинг оқилолиги, отанинг масъулияти, меҳр-мурувват, садоқат ва вафодорлик устувор аҳамиятга эга. Жамиятимизда оила қадрияти, фарзанд тарбияси, ота-оналик бурчи ҳамда аёлга бўлган ҳурмат энг муҳим ижтимоий мезонлардан бири сифатида эътироф этилади. Олдимизда аждодларимиздан мерос бўлиб қолган маънавий бойликларни, хусусан, оилавий қадриятларини асраб-авайлаш, ёшлар онгида оилага ҳурмат, уни муқаддас деб билиш, оила олдидаги масъулият ва бурч туйғуларини янада юксалтириш каби муҳим вазибалар турибди.

Шуни унутмаслигимиз керакки, оила ва хотин-қизлар масаласига оид вазибалар фақат давлат идоралари ёки алоҳида мутасаддилар зиммасидаги масъулият эмас. Бу, она Ватан тақдирига бефарқ бўлмаган, миллий қадриятларимизни ардоқлаган, оила муқаддаслигини англаган ҳар бир фуқаронинг инсоний бурчи ва фуқаролик масъулиятидир. Зеро, жамоатчилик таъсири — жамият таракқиётини белгилайдиган улкан маърифий кучдир. Ана шу куч бирлашган ҳолда ҳаракат қилгандагина соғлом оила, барқарор жамият ва инсон қадрини улуғланган Янги Ўзбекистонни барпо этиш мумкин.

Мақолага Президентимизнинг “Хотин-қизлар ва оила масаласи — бу нафақат бугунги кунимиз, балки эртанги келажагимизни ҳам белгилаб берадиган ҳал қилувчи омилдир. Агар биз меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли, хонадонларимиз фаршгаши бўлган аёлларга битта яхшилик қилсак, ҳеч шубҳасиз, бу ўн та яхшилик бўлиб қайтади”, деган сўзлари билан нукта қўйишни жоиз деб билдим.

**Фарида АБДУРАХИМОВА, “Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи, педагогика фанлари номзоди, профессор.** ЎЗА

Ушбу йўлга бoshlashi мумкин. Бу го'яву бугунги кунда ҳам аҳамиятини yo'qotmagan. Har bir ota-ona va jamiyat a'zosi bolalar tarbiyasiga mas'ul ekanini unutmashligi kerak.

“Shum bola” qissasini o'qir ekanimiz, eng achinarli jihatlardan biri — bolalik quvonchlarining deyarli yo'qligidir. Qahramon o'yin o'yinash, beg'ubor kulish

*G'afur G'ulomning «Shum bola» qissasi*

## Hayot haqiqatining badiiy talqini

Mehr ko'rmagan qalb esa o'ziga xos himoya usullarini ishlab chiqadi. Shum bolaning sho'xligi ham aslida qalbidagi bo'shliqni yashirish usulidir. Muallif shuni ko'rsatadiki, bola uchun moddiy ta'minotdan ko'ra mehr va e'tibor muhimroq. Agar bola mehrga to'ysa, uning qalbidagi yomonlikka o'rin qolmaydi. Asar o'quvchini aynan shu masalada chuqur o'ylashga undaydi.

Bugungi kunda ham yetim bolalar, ota-onasi bor bo'lsa-da, mehr yetishmaydigan oilalarda ulg'ayayotgan yoshlar mavjud. Shu jihatdan qaraganda, “Shum bola” faqat o'tgan davr haqida emas, balki hozirgi zamon uchun ham dolzarb asardir. Qissada kambag'allik ochiq tasvirlanadi. Shum bola ko'pincha och qoladi, kiyim-kechagi yirtiq, turmushi og'ir. Shu bilan birga, buymlar hayoti ham tasvirlanadi to'kin-sochinlik, keng hovillar,

farovon yashash tarzi. Bu qarama-qarshilik jamiyatdagi tengsizlikni yaqqol ko'rsatadi. Bola o'z hayotini boshqarish hayoti bilan solishtirganda ich-ichidan iztirob chekadi. Lekin u umidsizlikka berilmaydi, aksincha, topqirlik bilan yashashga harakat qiladi. Yozuvchi bu orqali shuni anglatadiki, ijtimoiy muhit inson taqdiriga katta ta'sir ko'rsatadi. Qashshoqlik ko'plab bolalarni erta ulg'ayishga majbur qiladi.

Shum bola aslida ijobiy fazilatlariga ega. U aqlli, kuzatuvchan, tez fikrlaydi. Agar u yaxshi sharoitda, to'g'ri tarbiya bilan ulg'ayganida, jamiyatga foydali inson bo'lishi shubhasiz edi. Demak, asar orqali muallif tarbiyaning naqadar muhim ekanini ko'rsatadi. Bola qanday muhitda yashasa, shunday shakllanadi. Yaxshi muhit ijobiy fazilatlarini rivojlantiradi, yomon muhit esa bolani noto'g'ri

o'rni, tirikchilik tashvishi bilan yashaydi. U erta ulg'ayishga majbur. Bolalik inson hayotining eng beg'ubor davri. Ammo ijtimoiy sharoit ba'zi bolalardan bu davrni tortib oladi. Muallif ana shu haqiqatni o'quvchiga chuqur his qildiradi. Yana bir e'tiborli jihatlaridan biri, G'afur G'ulom asarni sodda va ravon tilda yozgan. Tilining xalqona va tabiiyligi qissani yanada jozibador qiladi. Dialoglar jonli, tasvirlar aniq va muallif yumordan mahorat bilan foydalanadi. Kulgi bilan qiziqish, kuzatuvchan, tez fikrlaydi. Agar u yaxshi sharoitda, to'g'ri tarbiya bilan ulg'ayganida, jamiyatga foydali inson bo'lishi shubhasiz edi. Demak, asar orqali muallif tarbiyaning naqadar muhim ekanini ko'rsatadi. Bola qanday muhitda yashasa, shunday shakllanadi. Yaxshi muhit ijobiy fazilatlarini rivojlantiradi, yomon muhit esa bolani noto'g'ri

Asarning ahamiyati va ta'sirli jihatiga to'xtalsak, “Shum bola” o'zbek bolalar adabiyotining eng muhim

Yusupov Shoxijahon Najmiddin o'g'liga tegishli 2020-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqam belgisi 75 M 028 VA bo'lgan «COBALT» rusumli yengil avtomobilga 2023-yil 11-noyabrda berilgan AAG № 2817136 raqamli haydovchilik guvoohnomasi yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

## Barcha korxonalar va tashkilotlar rahbarlari diqqatiga!

2025-yil yakuni uchun taqdim etiladigan 1-NNT shakli (yillik) Tashkiliy-huquqiy shakli jamoat birlashmasi, jamoat fondi, muassasa, uyushma (ittifoq) bo'lgan nodavlat notijorat tashkilotlar, xalqaro va chet el nodavlat notijorat tashkilotlarining vakolatxona va filiallari, fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari 2026-yilning 4-martidan kechiktirmay;

1-FX shakli (yillik) statistika hisobotini fermer xo'jaliklari 2026-yilning 10-martidan kechiktirmay;

1-Korxonalar shakli (yillik) statistika hisobotini Tijorat tashkilot bo'lgan yuridik shaxslar (xodimlar soni yillik o'rtacha 5 kishidan kam

bo'lgan va (yoki) yillik tushumi bazaviy hisoblash miqdorining 2 000 barobarigacha bo'lgan mikrofirmalar va kichik korxonalaridan tashqari (bundan davlat ulushi 50 foiz va undan yuqori bo'lgan korxonalar, dasturlarga kiritilgan va aksiz solig'i to'lovchi subyektlarning mustasno) hamda fermer xo'jaliklari, banklar va sug'urta tashkilotlaridan tashqari) tijorat tashkilot bo'lgan yuridik shaxslarning alohida bo'linmalari;

korxonalar buxgalteriyasini - Buxgalteriya hisobining milliy standarti bo'yicha yuritadigan korxonalar uchun (BHMS) 2026-yilning 1-apreldan kechiktirmay;

korxonalar buxgalteriyasini - Moliyaviy hisobning xalqaro

standarti bo'yicha yuritadigan korxonalar uchun (MHXS) 2026-yilning 5-maydan kechiktirmay;

1-Notijorat shakli (yillik) Notijorat tashkilotlar (jamoat birlashmalari, ijtimoiy fondlar, nodavlat muassasalar, fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari va xususiy uy-joy mulkdorlarining shirkatlari, Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligining umumta'lim muassasalaridan tashqari), tuman (shahar) maktabgacha va maktab ta'limi bo'limlarining umumta'lim muassasalari yig'ma hisobotini - statistika organlariga 2026-yilning 1-apreldan kechiktirmay

statistika organlariga elektron shaklda taqdim etishlari shart.

Sharq mumtoz musiqasi san'ati

## Adabiyot va ohang hamnafasligi

Sharq xalqlari madaniy merosi asrlar davomida nafaqat tarixiy, balki ma'naviy jihatdan ham bebaho hazina bo'lib kelmoqda. Bu merosning eng yuksak cho'qqilaridan biri — mumtoz adabiyot va mumtoz musiqa san'atidir. Ayniqsa, o'zbek mumtoz san'ati misolida adabiyot va musiqa o'zaro uyg'unlashib, bir-birini boyitib kelganini ko'rish mumkin. Sharq san'atida so'z va ohang hamnafasligi inson qalbiga bevosita ta'sir etuvchi kuchli ma'naviy manba sifatida namoyon bo'ladi.

Mumtoz adabiyot, avvalo, inson ruhiyatini tarbiyalovchi, ma'naviy olamini yuksaltiruvchi san'atdir. Mumtoz musiqa esa ana shu so'zlarning ohang orqali yurakka yetib borishini ta'minlaydi. Sharqona musiqiy tafakkurda she'riyat kuyga jon bag'ishlaydi, kuy esa she'rning ma'nosini yanada chuqurlashtiradi. Shu bois, mumtoz san'ati, g'azalxonlik va mumtoz qo'shiqchilik an'analari adabiyot bilan chambarchas bog'liq holda shakllangan.

Alisher Navoiy ijodi Sharq mumtoz san'atining eng yorqin namunalaridan biridir. Uning g'azallari nafaqat adabiy meros, balki mumtoz musiqa uchun ham bebaho manbadir. Navoiy satrlaridagi nafislik, ishqiy va falsafiy ruh maqom yo'llarida alohida jaranglaydi. Shoirning she'rlari ohang bilan uyg'unlashganda tinglovchiga kuchli hissiy ta'sir ko'rsatadi.

Xuddi shuningdek, Zahiriddin Muhammad Bobur she'riyati ham Sharq musiqasida o'z aksini topgan. Boburning

g'azallarida sog'inch, Vatan muhabbati va insoniy kechinmalar juda nozik ifodalanadi. Bu esa mumtoz kuylar uchun tabiiy ilhom manbai bo'lib xizmat qilgan.

Sharq mumtoz musiqasining asosiy yo'nalishlaridan biri bo'lgan maqom san'ati ham adabiyot bilan mushtarakdir. “Shashmaqom”, “Farg'onatoshkent maqom yo'llari” kabi dardonalarda ijro etiladigan ko'plab asarlar mumtoz shoirlar g'azallari asosida yaratilgan. Bu holat adabiyot va musiqa hamkorligining naqadar mustahkam ekanini ko'rsatadi.

Mumtoz san'atning ikki qanoti — bo'lgan adabiyot va musiqa — xalqning ma'naviy o'zligini saqlashda muhim o'rin tutadi. Ular yosh avlodni ezigulik, go'zallik, muhabbat va vatanparvarlik ruhida tarbiyalaydi. Bugungi kunda ham mumtoz g'azallar asosida kuylanayotgan qo'shiqlar, maqom kechalari va konsert dasturlari ushbu merosning barhayot ekanini tasdiqlaydi.

Xulosa qilib aytganda, Sharq mumtoz musiqasi san'atida adabiyot va ohang bir-birini o'ldiruvchi, uyg'unlashgan holda yashab kelayotgan muqaddas qadriyatdir. So'zning sehiri va kungning jozibas birlashganida esa inson qalbidagi unutilmas taassurot, ma'naviy zavq va ruhiy yuksalish paydo bo'ladi. Ana shu hamnafaslik Sharq san'atining abadiy go'zalligidir.

**Ilhomjon NE'MATOV, 2-maktabning musiqasi o'qituvchisi.***Kuymich ta'lim*

## Maqsad aniq, vazifalar dolzarb

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги ПҚ-277-сон қарори асосида Мактабгача ва мактаб таълим тизимидаги “Баркамол авлод” болалар мактаби тугатилиб, “Келажак” маркази қаратилган бўлади. Унинг негизиде Янгио-боддаги Оби-хаёт маҳалласида жойлашган «Келажак» маркази ўз иш фаолиятини январь ойидан бошлади.

Мазкур қарор ёшларнинг истеъдодини эрта аниқлаш, уларни замонвий билим ва касбларга йўналтириш, интеллектуал салоҳиятини ривожланишига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Умумий ўрта таълим мактабларида “Келажак” марказининг тармоқ тўғарақлари фаолиятини тизимли ташкил этиш, “Президент иқтидорли фарзандлари” миллий дастурини мазмунли ёритиш, унда назарда тутилган го'я ва максадрларни ўқувчилар ўртасида кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни йўлга қўйиш каби умумий мушта-раклик мужассам.

Бугунги кунда Музработ ту-

манида 59 нафар мактаб мас-лаҳатчиси фаолият олиб бормоқда. Уларни иш фаолиятини мувофиқлаштириш, мето-дик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва самарадорлигини ошириш бўйича тизимли чора-тадбир-лар амалга оширилмоқда. Мак-таб маслаҳатчиси ўқувчилар-нинг қизиқиши ва қобилиятла-рини ўрганиш, касб танлаш бўйича амалий маслаҳатлар бериш, давлат дастурлари ва таълим имкониятлари ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш билан бирга, “Келажак” маркази лойиҳаларига ўқувчи-ларни кенг жалб этишда фаол иштирок этмоқдалар.

Амалга оширилаётган ма-зкур ишлар ёшларнинг интел-лектуал ва ижодий салоҳия-тини юксалтириш, уларни мустақил фикрлайдиган, аниқ мақсадга эга ва рақобатбар-дош кадрлар сифатида воғра етказишга хизмат қилмоқда. Зеро, ёшлар келажаги — мам-лакат келажэгидир.

**Шахноза КАРИМОВА, туман «Келажак» маркази-нинг мактаб маслаҳатчи-лари фаолиятини мувофиқ-лаштириш мутахассиси.***Ҳамкорлик*

## Экспортёрлар билан ҳамнафасмиз

Сўнгги йилларда мамлакатимизда экспорт салоҳиятини ошириш, миллий маҳсулотлар учун экспорт йўналишларини кенгайтириш ва ташқи бозорлардаги рақобатдошлигини мустаҳкамлаш, экспортчи тадбиркорларни ва корхоналарни қўллаб-қувватлашга давлат раҳбари томонидан доимий равишда эътибор қаратилмоқда. Маълумки, жаҳон бозорларида рақобат тобора кескинлашиб бораётган шaroитда маҳсулотлар экспорти ҳажмини ошириш орқали янги бозорларга кириб бориш ва аънавий бозорларда ўз ўрнини мустаҳкамлаш учун экспорт қилувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш зарурияти юза-

га келмоқда.

2025 йил давомида Ўзбекистон ташқи савдоси катта босқичда ривожланди. Мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси 81 миллиард доллардан ошди, бу эса олдинги йилларга нисбатан сезиларли ўсишни кўрсатади. Бу натижалар қўллаб ишлаб чиқарувчилар — фермерлар ва экспорт фаолияти билан шуғулланадиган тадбиркорлар учун яхши янгилик бўлди. Чунки уларнинг маҳсулотлари хорижий бозорларда талабга эга бўлди ва валюта кирими ошди.

Ҳозирги кунда туманимизда ҳам фермер хўжаликлари раҳбарлари билан бўлими-миздан бириктирилган ходимлар учрашиб, тайёр бўлган озиқ-овқат ва қишлоқ хўжа-

лик маҳсулотларини лабора-тория кўригидан сифатли қилиб ўтказишмоқда. Хусусан, туманимиздаги турли истеъмолбop резавор кўкат-лар етиштирадиган “Bless SR” МЧЖ, шунингдек, қўшни мамлакатларга экспорт қилувчи тухум етиштирадиган “Kamalak Hayot Barakat” МЧЖ, мева-сабзавот ишлаб чиқарадиган “Muzrabot Tomorqa xizmati” МЧЖлар ана шулар жумласидандир.

Биз экспортёрларимиз ҳеч қандай муаммога дуч келмасдан сертификат олишлари ва маҳсулотнинг экспорт қилинишида имкон қадар ҳиссамизни қўшишга интиляямиз. Агар экспорт қилишда бирор бир муаммо юзага келса ва бу ҳақда хал-бар берилса, бўлими-миз хо-димлари қайд этилган масалаларни ҳал этиш чора-ларини куришга амалий ёрдам берадилар.

**Х.ЧОРИЕВА, туман СЭОЖСБ санитария-гигиена бўлими мудир.**

2026 йил – «Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили»

# Янги Ўзбекистоннинг Орият маҳалласидаги нурли қиёфаси

(Бошланиши 1-бетда.)

“Тарих давомида қандай оғир синовларга дуч келмайлик, биз аввало бирдамликдан куч олдик. Машаққатли кунларда одамларимиз, маҳалла аҳли елкадош бўлиб қийинчиликларни енган. Оила – оилага, қўшни – қўшнига кўмак бериб яшаган. Биз мана шундай ўта ноёб қадриятимизга доимо содиқ қолишимиз, ёш авлодимизни айни шу руҳда тарбиялашимиз керак...”

...Мана шундай буюк мақсадга эришишда маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири беқийс. Чунки маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамиятимиз тинч ва ҳамжихат бўлади. Маҳалла ривожланса, бутун мамлакатимиз юксалади”.

Лавҳамизда ана шундай янгиланишларни ўз “бошидан ўтказиб”, инфратузилмаси ва қиёфаси тубдан ўзгарган, туманимизнинг олд маҳаллалари сирасига ўтган Орият маҳалласи ҳақида сўз юри-тавимиз. Бунинг боиси, азбарои ҳавас қилганимиздан...



“Тараққиёт ва етакчилик маскани” давлат дастури доирасида вилоят Ҳокими Улуғбек Қосимов, туман Ҳокими Абдулла Маматқулов ҳамда ташкилот ва муассасалар мутасаддилари жонбозлигида Орият маҳалласининг инфратузилмасини яхшилаш, бу жойда намунавий кўчалар (1-сурат) ташкил этиш борасидаги сайё-ҳаракатлари ўз мевасини бера



бошлади. Яъни қишлоқ шаҳарча тусига кирди. Мазкур маҳаллада 7463 нафар аҳоли бўлиб, улар 1024 та хонадондаги 1336 та оилани ташкил

қилади. Шундан 3730 нафари аёллар ва 3731 нафари ёшлар. Маҳалланинг асосий драйверини



қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва чорвачилик ташкил этади. Айни чоғда Орият маҳалласига Файратжон Қодиров раислигида “маҳалла еттилиги” (2-сурат) маҳаллани ишсизлик, камбағаллик, ажрим, миграция ва жонотдан холи ҳудудга айлантириш, шунингдек, “Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла” мезонларини жорий этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилаёпти.

– Шу маҳалланинг дард-у кувончи билан яшаётганимга ҳам 4 йилдан ошибди, – дейди Ҳоким ёрдамчиси Жўрабек Бадалов. – Бу муддат ичида



Президентимиз раҳнамолигида қанчадан қанча мисли кўрилмаган ишлар баҳо келтирилди.

Дарҳақиқат, шаҳарсозлик андозаларига мос ижтимоий объектлар қурилиб, йўлларга тош ётқизилди, асфальтланди. Кўплаб уйларнинг усти ёпилиб, ҳашар йўли билан шиферланди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчатлар экилиб, боғлар ва иссиқхоналар барпо этилди.

Биргина, Наврўз кўчаси 17-уйда яшовчи Жаҳонгир Шосайдов Халқ банкидан 7 йилга 14 фоизли 100 миллион сўм кредит олиб томорқасининг 8 сотихига иссиқхона қурди. Меҳнатига яраша даромад йилдан йилга ортиб бораёпти. Эндиликда хо-

надон соҳибу соҳибалари яна 2 та иссиқхона қуришни ният қилишган. Ҳозирги пайтда иссиқхонада 15 тупга яқин лимон ва Олмос навли помидор кўчатлари қулф уриб ўсиб турибди (3-сурат).

Шуни қувонарликки, ориятликларнинг тадбиркорлик соҳасидаги иштиёқлари тобора ошиб бораёпти. Алалхусус, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар сони ортиб, янгидан янги иш ўринлари яратилди. Яқка тартибдаги тадбиркор Наима Юнусова (4-сурат) қарий 10 йилдан буён хунарандчилик билан шуғулланади. У халқ банкидан 3 йил муддатга кредит маблағлари олиб, маҳалладаги бўш, фойдаланилмаётган турган бинони аукцион орқали ютиб олди. Таъмирлади, тикув машинала-



ри ва турли дастгоҳлар олиб келди. Шу муддат ичида турли даражадаги кўрик-танловлар ва кўргазмаларда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди.



Энг муҳими, талайгина шогирдлар чиқарди.

Бугунги кунда Наима Юнусова “Устоз-шогирд” аънасини давом эттириб 10 нафар ишчилари билан биргаликда тумандаги аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан шартнома тузган ҳолда маҳалла хотин-қизларига бепул тикиш-бичиш сирларини ўргатиб келаяпти. Яқинда тадбиркор-хунарандининг юқоридаги хизматлари инобатга олиниб, вилоят Ҳокимининг “Ота-онасига раҳмат!” мазмунидаги Ташаккурномаси топширилди.

Маҳалланинг кўркига кўрк қўшиб турган яна бир

янги ижтимоий объектлардан бири бу – “Ширинтой болажон” давлат-хусусий шерикчилик асосида салкам 5 йилдан буён фаолият юритиб келаётган мактабгача таълим ташкилоти (5-сурат)дир.

Мавжуда Жумаева мудирлик қилаётган мазкур 140 ўринли болалар масканида “Ғунча” ва “Қуёшча” номли соғлом болалар ҳамда 2 та имконияти



чекланган болалар учун кундузги парвариш хизмати гуруҳлари ишлаб турибди (6-сурат).

Орият маҳалласи ёшларини-ку бир сўз билан айтганда, “ерга урсанг осмонга сапчийди” ганлардан. Улар шижоатли, ҳамиятли, билимга чанқок, ҳар томонлама баркамол, “товонидан ўт қақнайди” ган авлод вакиллари сирасига қиради. Сўзимизнинг исботи сифатида 2-умумтаълим мактаби ўқувчиси Ўралбек Нормўминов (7 сурат)ни намуна сифатида кўрсатиб ўтишимиз жоиз.

Ўралбек Нормўминов шу вақтгача туман, вилоят ва республика даражасида ўтказилган мусобақаларда биринчиликни қўлдан бой бермай келмоқда. Ўтган йилнинг июль ойида Ўралбек халқаро мусобақада юксак натижа қайд этиб, ўз номини тарихга муҳради. У Ҳиндистоннинг Гоа шаҳрида бўлиб ўтган жисмоний имконияти чекланган шахматчилар ўртасидаги XXIV жаҳон чемпионатида қатнашди. 18 та давлатдан иштирок этган 89 нафар тажрибали спортчилар орасида жаҳон чемпиониликка эришди.

Мухтасар айтганда, Орият ва ориятликлар янгиланишлар насимидан тўла баҳраманд. Инонмасангиз, ўзингиз келиб кўриб кетинг. Ахир айтишадик-ку, “Минг марта гапиргандан, бир марта кўрган афзал”.

**Сирожддин ҚУЛБОБОВ,**  
“Muzrabot” газетаси муҳбири.

1. Намунавий ишқоми кўча; 2. “Маҳалла еттилиги” аъзолари; 3. Хонадон бекаси Сайёра Тўхтамуродова; 4. Тадбиркор Наима Юнусова; 5. “Ширинтой болажон” мактабгача таълим ташкилоти; 6. Тарбиячи Хайринисо Мирзаева; 7. Жаҳон чемпиони Ўралбек Нормўминов.

(Муаллиф олган суратлар).

1-mart – O‘zbekiston xalq shoiri Zulfiya tavallud topgan kun

## AYOL QALBI KUYCHISI



ijodkor edi. “Sen ayolsan, o‘zingda kuch top” misrasida ayol qalbi kuychisi ila madh etilgan. U mashhur shoir Hamid Olimjonning turmush o‘rtog‘i bo‘lgan. Hayotdagi og‘ir judolik ham uning ijodida chuqur iz qoldirgan. Shunga qaramay, Zulfiya ijod qilishdan to‘xtamagan. Yosh avlod uchun ibratli hayot yo‘lini bosib o‘tgan.

Zulfiya she‘rlarida boshqa ijodkorlar she‘rlaridan mehr-muhabbat, vatanparvarlik, sadoqat, ayol qalbining nozik kechinmalari va insoniylik xislatlari aks etganligi uchun ham ajralib turadi.

*Garchi yillar changi har nega qodir,  
Meni qilolmadi, yodingdan nari.  
Yana huzuringda turibman, shoir,  
Qo‘limda bir quchoq, bahor gullari...*  
Satlarda ham Zulfiya turmush o‘rtog‘i Hamid Olimjonni yodga olib ta‘riflagan.

*Ayrlilq qismatda  
Bor ekan, netay,  
Lekin sen birla men,  
Meni yor desang.  
Ne uchun olamdan  
Yo‘q bo‘lib ketay,  
Meni o‘z yoningda  
Doim bor desang.*

Zulfiya o‘zbek adabiyotida o‘chmas iz qoldirgan buyuk shoiradir. U hayot zarbalarida matonat va sadoqat namunasi bo‘lib qoladi. Shoiria ijodidagi she‘rlari hanuzgacha qablarda yashaydi. “Zulfiya” nomi adabiyot osmonida porlab turadigan mangu yulduzdir!!!

**Farangiz JUMAQULOVA,**  
**Muhammadali RO‘ZIMURODOV,**  
**8-maktabning 6-sinf o‘quvchilari.**



*She‘riyat kechasi*

## Bobur yurtining abadiy uyg‘oq ruhi

Har bir xalq tarixida shunday siymolar borki, ular tug‘ilgan kun nafaqat bir insonning dunyoga kelgan sanasi, balki millatning o‘zligiga nur qo‘shgan, qalbini uyg‘otgan kun sifatida nishonlanadi.

Zahiriddin Muhammad Bobur ana shunday siymolardan biridir. Maktabimizda, buyuk sarkarda, shoh va shoir tavalludining 543 yilligi munosabati bilan 5-6-sinf o‘quvchilari o‘rtasida “Boburxonlik” kechasi bo‘lib o‘tdi.

Tadbirda maktabning ona tili va adabiyot o‘qituvchilari O‘.Yo‘ldosheva, Sh.Mamatqulova va maktab kutubxona mudirasi M.Ro‘ziqulova hamda maktab o‘qituvchilari ishtirok etdilar. Maktabning 5-6-sinf

o‘quvchilari Bobur ruboiylari, g‘azallaridan aytishdi va g‘olib o‘quvchilar maktab ma‘muriyatining maqto‘v yorliqlari bilan taqdirlandilar.

Bobur dunyo kezdi, lekin yuragini Vatanga bog‘lab yashadi. U saltanatlar qurdi, ammo eng mustahkam saltanatni, qog‘ozga bitgan so‘zlari bo‘ldi. Bobur nomi asrlar osha o‘z dolzarbligini yo‘qotmay, bugungi kun yoshlariga ham ibrat bo‘lib xizmat qilib kelmoqda.

Ulug‘ bobomiz – tariximizning faxri, manaviyatimizning mustahkam tayanchi va kelajagimizga yo‘l ko‘rsatgan porloq yulduzdir.

**Umida YADGAROVA,**  
**2-maktabning ona tili va adabiyot o‘qituvchisi.**

## Muqaddas dargoh

*Muzrabotda porlar bir dargoh, ishon,  
Ellik sakkizinchi maktab – faxrli nishon.  
Ustozlari jonboz, ilmida sarbon,  
Bilim bilan bezangan muqaddas makon.*

*Xonalari kengdir, shinam va ravon,  
Zamonaviy sharoit unda jam har on.  
Sinflarda porlar orzu va imkon,  
Kelajakka intilar har bir polapon.*

*Rahbari bilimdon, donolik mezon,  
Shirin so‘zi bilan yo‘l topar oson.  
Rajabali ustoz – ma‘naviy imyon,  
Qalbgaga ezgulik solar har dam, har zamon.*

*Ismoil aka – o‘quv ishlar sardori,  
Tartib-intizomning mustahkam qoni.  
Mehnat-la ko‘tarar maktab shuhratin,  
Mas‘uliyat unda aylangan qonun.*

*Ta‘lim va tarbiya uyg‘un, namoyon,  
Ustoz mehnatidan ochilar jahon.  
Ellik sakkizinchi maktab – begumon,  
Ilm bilan yuksalar abadiy, hamon.*

**Manija NORQULOVA,**  
**58-maktabning ingliz tili o‘qituvchisi.**

«Surxon Cotton Tekstil Clester sholi» MCHJ boshlang‘ich kasaba uyshmasi tashkiloti faoliyat yuritmayotganligi sababli tugatilishini ma‘lum qiladi.

**x x x**  
Eshmuratov Shamurat Saidmuradovichga 1985-yil 25-iyunda berilgan «B, C» toifali ABY № 354471 raqamli haydovchilik

guvohtonmasi va uning ogohlantirish taloni yo‘qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

**x x x**  
Djumayev To‘ra Abduvaitovichga 1991-yil 23-dekabrda berilgan «B» toifali ABY № 989314 raqamli haydovchilik guvohtonmasi yo‘qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

**MUASSISLAR:**  
Xalq deputatlari  
Muzrabot tumani Kengashi  
va tuman hokimligi

**Muharrir**  
**Abdusalom YO‘LDOSHEV**

Tahririyat manzili:  
191300. Muzrabot tumani, Xalqobod qo‘rg‘oni,  
Amir Temur ko‘chasi, 38-uy.  
Telefon: (+998) 99 671 57 58.

Gazeta 2010-yil 9-aprelda Surxondaryo viloyati Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-010 raqami bilan qayta ro‘yxatga olingan. ISSN 2181-7006.

Buyurtma G-1600 nusxada bosildi. Qog‘oz bichimi A-2. Hajmi 2 bosma taboq. Bahosi kelishilgan narxda. Nashr indeksi-473.

Gazeta tahririyat kompyuterida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi B.Shoyardonov. Navbatchi muharrir A.Yo‘ldoshev. Navbatchi S.Qulboboyev.

Gazeta «Surxon tongi» va «Zarya Surxana» gazetalari tahririyati bosmaxonasida chop etildi. Korxonada manzili: 190100, Termiz shahri, Shukrona ko‘chasi, 19-A uy. Topshirish vaqti – 14-00. Topshirildi – 14-00